

Мамлакат учун ўта муҳим масалаларни ҳал этиш, сиёсий қарорлар қабул қилиш, халқаро муносабатларни йўлга қўйишда расмий доиралар, одатда, миллий манфаат тушунчасига таянадилар. Аслини олганда, ушбу концепция ўз номи билан халқнинг хоҳиш-иродаси, талаб ва истакларини ифода этиши керак. Негаки, шу аснода давлат сиёсати белгиланади ва юритилади.

Назарий жиҳатдан ҳаммаси рисоладагидек. Амалда эса миллий манфаати нимадан иборат эканини очиқ-ойдин ифодалаётган давлатлар унча кўп эмас. Баъзи таҳлилчилар бундай мавҳумлик миллий сиёсатимизга ҳам хос эканини айтмоқда. Айнан шунга кўра мавзу юзасидан «**Билим карвони»** нодавлат илмий муассасаси раҳбари, таниқли сиёсатшунос олим **Фарҳод ТОЛИПОВ**га мурожаат қилдик.

– **Фарҳод ака, миллий манфаат қандай шаклланади?**

– Унинг учта таянч нуқтаси бор – фойда, зарурат ва имконият. Яъни дунёдаги ҳар қайси давлат ўзига нима фойдали, нима муҳим экани ва нимани реал қила олишидан келиб чиқиб, миллий манфаатларини белгилайди. Баъзан юқоридаги учлик бир-бирига мувофиқ келмаслиги мумкин. Улар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш сиёсий элитанинг маҳорати ва тафаккурига боғлиқ.

– **Миллий манфаатни сиёсий элита белгилайдими ёхуд бунда миллат зиёлиларининг ҳам улуши бўлиши керакми?**

– Ҳар иккисининг иштироки муҳим. Рационал қарор қабул қилиш, у ёки бу масалани холисона ва чуқур ўрганиш учун ҳукуматга малакали экспертлар керак. Мустақил таҳлилий доиралар кўмаги миллий манфаатни белгилашда, сўзсиз, қўл келади. Бундай амалиёт кўпгина ривожланган давлатларда ижобий натижа берган. Ўзбекистон ҳам бу борада жаҳон тажрибасига таянгани маъқул, деб ўйлайман.

– **Нега миллий манфаат ҳақида гап кетганда, фақат умумий қарашлар билан чекланиш ҳолатлари кузатишмоқда?**

– Менимча, бу сиёсий савия билан боғлиқ. Ҳозиргача на давлат, на жамиятда миллий манфаатларимиз борасида аниқ тасаввур шакллангани йўқ. Миллий манфаатни ҳар ким ўзича тушунапти ва талқин қиляпти. Натижада фикр ва ёндашувда нисбийлик вужудга келмоқда.

Сиёсий партиялар ҳокимият учун кураш олиб бораётганида миллий ман-

фаат иборасини кўп ишлатади. Дейлик, ўтган йилги сайловда қайсидир партия Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига қўшилишини ёқлаган бўлса, бошқаси қарши турди. Ҳар бири ўз позициясини миллий манфаат нуқтаи назаридан асослашга ҳаракат қилди. Лекин ҳеч қайси партия етакчиси миллий манфаатларимиз ўзи нимадан иборат эканини халққа тушунтириб бергани йўқ. Сиз айтгандек, ушбу масалада умумий гаплар билангина чекланиб қолинмоқда.

– **Миллий манфаат давр, муҳит ёки сиёсий вазиятга қараб ўзгариши мумкинми?**

– Умуман олганда, ҳа. Лекин ҳеч қачон ўзгармайдиган омиллар ҳам бор. Улар миллий манфаатларимизга бевоқиф таъсир кўрсатади.

Масалан, Ўзбекистон аниқ географик жойлашувга эга. Денгиз йўллари тўғридан-тўғри чиқиш имкониятимиз йўқ. Мана шундай объектив вазият бизни транзит давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга ундайди. Бошқача айтганда, ташқи савдо ва транспорт-коммуникация алоқаларини мустаҳкамлаш Ўзбекистоннинг доимий стратегик мақсадлари сирасидан жой олган.



шининг боиси ҳам шунда. Қўшнилар билан бирдамликка интилиш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига ҳаммиша мос келган. Мамлакатимиз ташқи сиёсий концепциясида Марказий Осиё энг устувор йўналиш этиб белгилангани бежиз эмас. 1993 йилда Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти, 2001 йилда Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотини тузиш, 2018 йилда эса Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувини мунтазам ўтказиб бориш ташаббуси айнан Ўзбекистон раҳбаридан чиққанини ҳам унутмаслик керак.

– **Демак, миллий манфаатни бел-**

МУҲИМ, ЛЕКИН МАВҲУМ МАСАЛА

Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ким белгилайди?



Яна бир жиҳат. Мамлакатимизда ер ости бойликлари бисёр. Шу туфайли дунёнинг қудратли давлатлари бизга доимо кўз тикиб туради. Уларнинг геосиёсий таъсирини тушмаслик, давлат суверенитети ва чегаралар дахлсизлигини ҳимоялаш ўзгармас миллий манфаатларимиз ҳисобланади.

Марказий Осиёда азалдан қардош халқлар бақамти яшаб келган. Минтақадаги республикалар бир-бирини нафақат қўшни, балки биродар дейи-

гилашда реал воқелик муҳим аҳамият касб этади.

– Албатта. Ўша воқеликка аввал муносабат билдирасиз, кейин хатти-ҳаракатлар режасини тузасиз. Айтайлик, ўта нохуш вазиятни одамлар одатда хавф-хатар ёки таҳдид сифатида қабул қилади ва уни зудлик билан бартираф этиш чорасини кўради. Давлат ҳам худди шундай.

Мустақилликнинг илк йилларида

Эксперт фикри

Ўзбекистон том маънода яшаб қолиш учун кураш олиб борди. Ўша пайтда ҳаётини муҳим манфаатлар биринчи планга чиққанди. Яъни миллий давлатчиликни тиклаш, иқтисодиётни жонлантириш, жамиятдаги ўткир муаммоларни ҳал этиш зарур эди. Оёққа маҳкам туриб олгандан кейин эса стратегик манфаатлар ҳақида ўйлай бошладик.

Стратегик манфаатлар узоқ истиқболга мўлжалланади. Улар мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг тамал тоши бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айни вақтда юртимизда олиб борилаётган ислохотлар жамият ҳаётининг турли жабҳалари, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, қўйинги, онг-у шууримизни модернизациялашга қаратилган. Бу ички сиёсатдаги устувор стратегик мақсад ҳисобланади.

– **Миллий манфаатларни белгилашда халқ билан ҳам ҳисоблашиш керак-ку.**

– Шубҳасиз.

– **Бу жараён қандай механизм ёрдамида амалга оширилади?**

– Давлат аҳамиятидаги қарорларни қабул қилиш жараёнида очиқлик ва шаффоқликни таъминлаш зарур. Сиёсий элитамизга мустақил экспертлар билан бамаънабат иш кўриш ҳам зарар қилмайди. Ҳозирча ҳар икки масалада камчиликлар бор. Аслида, демократик давлатларнинг барчаси шу чиғирқдан ўтган. Масалан, 50-йилларда Францияни сиёсатшунослар блокланган мамлакат, деб таърифларди. Чунки унда амалдорлар ўз ҳолича, халқ ўз ҳолича яшаган. Сиёсий қарорлар қабул қилишда ҳукумат жамоатчиликнинг фикри билан ҳисоблашмасди. Ҳозир эса вазият мутлақо бошқача.

Ўзбекистонда ҳеч бўлмаганда парламент эшитувларини лозим даражада ва мунтазам аснода ташкил қилиш керак. Уларда депутатлар халқнинг позицияси ва хоҳиш-иродасини қатъий ифода этса, олдинга силжиш янада илдамлашади.

Наргиза УМАРОВА
суҳбатлашди

